



## IMPROVING THE INSTITUTE OF DIGITAL EVIDENCE: PROBLEMS AND SOLUTIONS

**Uralov Sarvarjon Anvarjon o'g'li**

Chief Research Officer at the Center for Methodological Support of  
Internal Affairs Bodies, Captain

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17660949>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> November 2025

Accepted: 19<sup>th</sup> November 2025

Online: 20<sup>th</sup> November 2025

### KEYWORDS

Digital evidence, electronic  
data, criminal procedure, hash  
sum, cybercrimes

### ABSTRACT

*The article analyzes innovations in the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan concerning digital evidence, problems of their practical application and solutions. The achievements and shortcomings of the 2024 reforms are examined, and recommendations for further improvement of the procedural order of working with digital evidence are proposed.*

## РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

**Уралов Сарваржон Анваржон ўғли**

Ички ишлар органлари фаолиятини услубий таъминлаш маркази бош илмий  
ходими, капитан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17660949>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> November 2025

Accepted: 19<sup>th</sup> November 2025

Online: 20<sup>th</sup> November 2025

### KEYWORDS

Рақамли далиллар, электрон  
маълумотлар, жиноят  
процесси, ҳеш-сумма,  
кибержиноятлар.

### ABSTRACT

*Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган рақамли далилларга оид янгиликлар, уларнинг амалий қўлланишидаги муаммолар ва ечим йўллари таҳлил қилинади. 2024-йилда қабул қилинган ислохотларнинг ютуқ ва камчиликлари, шунингдек, рақамли далиллар билан ишлашнинг процессуал тартибини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.*

Замонавий дунё тезкор рақамлашув жараёнларини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида жамиятнинг барча соҳаларини, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини рақамлаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширмоқда<sup>1</sup>. Бироқ, технологияларнинг ривожланиши билан бирга жиноятчилик ҳам янги шаклларга эга бўлмоқда. Кибержиноятлар, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган фирибгарлик, террористик фаолият каби жиноятлар кундан-кунга ортиб бормоқда.



Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "терроризм, экстремизм ва кибержиноятчиликка қарши кураш, ёшларнинг радикаллашувининг олдини олиш бўйича яқин ҳамкорликни давом эттириш муҳим"<sup>2</sup>. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг технологик ва процессуал жиҳатдан тайёр бўлишини тақозо этади.

Узоқ вақт давомида Жиноят-процессуал кодексида "электрон маълумот" ёки "рақамли далил" алоҳида тур сифатида кўрсатилмаган эди. Бу амалиётда терговчи ёки суриштирувчини компьютер, мобил телефон ёки флеш-картани олишда ЖПКнинг 161-163-моддаларига асосланиб, электрон ташувчи воситанинг ўзини ЖПК 87-моддасига мувофиқ "ашёвий далил" сифатида эътироф этишга мажбур эди.

Бироқ, бундай ёндашув жиноятни исботлаш учун аҳамиятли бўлган жисмнинг ўзи эмас, балки ундаги маълумот эканлигини инобатга олмайди. Электрон маълумот қуйидаги хусусиятлари билан анъанавий ашёвий далиллардан тубдан фарқ қилади<sup>3</sup>:

- виртуаллиги (фақат техник восита орқали идрок этилиши);
- ўзгарувчанлиги (бир неча сонияда ўзгартириш, йўқ қилиш ёки нусхалаш мумкинлиги);
- тарқоқлиги (бир вақтнинг ўзида бир неча қурилмада, тармоқда ёки "булутли" сақлагичларда жойлашиши);
- ўзига хос излар (яратилган вақти, муаллифи, ўзгартирилган санаси каби "мета-маълумотлар"га) эгаллиги.

2024-йил 21-ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-1003-сонли Қонуни Жиноят-процессуал кодексига рақамли далиллар билан ишлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим ўзгартиришларни киритди<sup>4</sup>. Ушбу ислохотлар қуйидаги аҳамиятга эга:

**Биринчидан**, ЖПКнинг 81-моддасига "рақамли далиллар" атамаси мустақил далил тури сифатида киритилди. Шунингдек, кодекс "Электрон маълумотлар" ва "Рақамли далиллар" номли янги моддалар билан тўлдирилди.

**Иккинчидан**, ЖПК 157-моддасига "электрон маълумотлар"нинг олиб қўйиш объекти сифатида киритилиши, тергов ҳаракатининг предметини аниқлаштирди.

**Учинчидан**, ЖПК 162-моддасига киритилган ўзгартириш терговга қадар текширув босқичида, шахсни ушлаш жараёнида унинг бевосита ёнида бўлган электрон маълумотлар ва уларни ташувчи воситаларни ҳам олиб қўйиш имкониятини берди.

Бироқ, ушбу ислохот бир бўшлиқни тўлдирган бўлса-да, амалиётда аввалдан мавжуд бўлган муаммоларни тўлиқ ҳал қилмади ва қуйидаги янги процессуал зиддиятларни келтириб чиқарди.

### 1. Мутахассис ва эксперт ўртасидаги ноаниқлик

Янги Қонуннинг энг кескин нормаси – бу ЖПК 95<sup>1</sup>-моддасига киритилган тўртинчи қисмдир: "Олиб қўйиш ёки кўздан кечириш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотлар номақбул далиллар деб топилади"<sup>5</sup>.



Бироқ, ЖПК мутахассисга умумий таъриф беради, лекин рақамли далиллар билан ишлаш учун қандай аниқ малака (масалан, рақамли криминалистика сертификати) талаб этилишини белгиламайди. Мутахассис вазифаси нима? Унинг вазифаси шунчаки "Ctrl+C" тугмасини босишми ёки далилнинг криминалистик бутлигини таъминлашми?

Агар мутахассис кўздан кечириш вақтида ўчирилган файлларни тикласа, шифрларни очса ёки дастурий кодни таҳлил қилса, бу "кўздан кечириш" доирасидан чиқиб, "экспертиза"га айланиб кетади. Эндиликда, ЖПК 95<sup>1</sup>-моддаси туфайли, бундай "мутахассис хулосаси" экспертиза хулосаси бўлмагани учун номақбул деб топилиши мумкин.

## **2. "Жонли криминалистика" муаммоси**

Компьютерни ўчирилган ҳолатда муҳрлаш натижасида тезкор хотирадаги (RAM) ўта муҳим, ўзгарувчан маълумотларнинг (очиқ шифрланган файллар, тармоқ уланишлари) йўқотилиши муаммоси Янги Қонунда ҳам ўз ечимини топмади<sup>6</sup>.

Амалдаги "олиб қўйиш" қоидалари (нарсаларни ўраш ва муҳрлаш) бундай маълумотлар учун мутлақо яроқсиз. Қонунчиликда "жонли криминалистика" (live forensics), яъни ишлаб турган тизимдан маълумот олиш тартиб-қоидалари умуман назарда тутилмаган.

## **3. Ҳеш-сумма масаласи**

ЖПКнинг янги 204<sup>2</sup>-моддаси рақамли далилдан кўчирма нусха олишга "унинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги сақланса" йўл қўйилишини белгилайди. Аммо бу "яхлитлик" қандай таъминланиши кўрсатмайди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида MD5 ёки SHA-256 "ҳеш-сумма"сини ҳисоблаш йўқ, чунки ЖПКда "ҳеш-сумма" тушунчасининг ўзи мавжуд эмас<sup>7</sup>.

## **4. Тармоқдаги маълумотнинг "асли" муаммоси**

Агар далил – бу Telegram'даги ёзишма ёки Facebook'даги пост бўлса, унинг "асли" қаерда? Фойдаланувчи телефонидами ёки севердами? Қонун бу ҳақда жим.

## **5. Шахсий маълумотлар таснифи**

ЖПК 161-моддасида "Шахсий электрон маълумотларни олиб қўйиш ва тинтув қилиш... суднинг қарорига асосан амалга оширилади" деган муҳим саккизинчи қисм мавжуд. Лекин "шахсий" маълумот нима? Ишхона компютеридаги шахсий "Telegram" ёзишмаси "шахсий"ми? Бу масалалар ҳам очиқ қолган.

**Юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида биз томонимиздан 2 ҳил йўналишдаги ечим таклиф этилади:**

### **1- Қисқа мuddатли ечимлар:**

Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги ҳамкорлигида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьялар учун "Рақамли далиллар билан ишлаш бўйича ягона методик қўлланма" ишлаб чиқилиши ва амалиётга зудлик билан татбиқ этилиши шарт.

Ушбу қўлланмада:



- "рақамли далиллар бўйича мутахассис"нинг вазифаларига аниқлик киритилиши;
- мутахассис ва эксперт ўртасидаги чегара аниқ белгиланиши;
- "жонли криминалистика" протоколи киритилиши;
- "Рақамли далилнинг бутлиги занжири варақаси" жорий қилиниши керак.

## 2- Узоқ муддатли ечимлар:

1. "ҳеш-сумма" тушунчаси ЖПКда қайд этилиши шарт. ЖПКга қуйидаги мазмундаги 87<sup>1</sup>-модда киритиш таклиф этилади:

"87<sup>1</sup>-модда. Рақамли далилнинг яхлитлигини таъминлаш. Рақамли далилнинг ёки унинг криминалистик нусхасининг яхлитлигини (ўзгартирилмаганлигини) тасдиқлаш учун математик алгоритмлар ёрдамида ҳисобланувчи нойоб белгилар кетма-кетлиги (ҳеш-сумма) қўлланилади..."

2. "асл нусха" тушунчасига нисбатан қотиб қолган ёндашувдан воз кечиш зарур. ЖПК 204<sup>2</sup>-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади:

"Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга, башарти унинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги (криминалистик нусха) таъминланса, йўл қўйилади. Ҳеш-сумма орқали яхлитлиги тасдиқланган криминалистик нусха, асл нусхани тақдим этиш имконсиз бўлган ҳолларда (масалан, тармоқ ёки булутли маълумотлар), асл нусхага тенглаштирилади".

3. ЖПКни қуйидаги мазмундаги янги 140<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

"140<sup>1</sup>-модда. Ахборот тизимини ёки компьютер маълумотларини жойида кўздан кечириш..."

4. ЖПК 161-моддаси қуйидаги мазмундаги тўққизинчи қисм билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

"...шахсий электрон маълумотлар деб, жисмоний қурилманинг эгалигидан қатъи назар, шахсий ёзишмалар, электрон почта, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги аккаунтлар, жойлашув маълумотлари, шахсий фото, аудио ва видео материаллар, шунингдек, шахсий ҳаётига оид бошқа маълумотлар тушунилади".

5. ЖПКга қуйидаги мазмундаги модда билан тўлдириш таклиф этилади:

"161<sup>2</sup>-модда. Шифрланган маълумотларга киришни таъминлаш Суриштирувчи, терговчининг асосланган илтимосномасига ва прокурорнинг розилигига кўра, суд ажрими асосида, электрон жисмга ёки маълумотларга кириш калити (парол, код) эгаси бўлган шахс зиммасига ушбу калитни тақдим этиш ёки маълумотларни шифрдан очиш мажбурияти юклатилиши мумкин..."<sup>8</sup>

6. трансчегаравий маълумотлар муаммосини ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг "Кибержиноятчилик тўғрисида"ги Будапешт Конвенциясига қўшилиши масаласини тезлаштириш биринчи даражали вазифадир<sup>9</sup>.

## Хулоса

Таҳлиллардан келиб чиқадиган энг асосий хулоса шундаки, қонун чиқарувчи рақамли далилларнинг натижасини легаллаштирди, аммо ушбу натижага олиб



келувчи жараённи етарлича тартибга солмади. Айнан шу жараёндаги бўшлиқлар турли зиддиятлар ва номувофиқликларни вужудга келтирмоқда.

Биз томондан илгари сурилган таклифлар, нафақат бугунги кундаги ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги зиддиятларни бартараф этишга, балки Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигининг рақамли аср талабларига мос, барқарор ва адолатли тизимини яратишга хизмат қилади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. – URL: <https://president.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. 13.10.2023.
3. Абдуллаев Д.Б. (ва бошқалар) Электрон ёхуд рақамли далилларга оид умумназарий масалалар // Жамият ва инновациялар. – 2021.
4. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-1003-сонли Қонуни. 21.11.2024.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 95<sup>1</sup>-модда.
6. Жумаев Б.Б. Кибержиноятларни тергов қилиш: муаммо ва ечимлар. – Тошкент, 2021.
7. Нурбердиев С. Рақамли далиллар қандай тартибда тақдим этилади // Norma.uz. – 19.11.2024.
8. Regulation of Investigatory Powers Act 2000 // [legislation.gov.uk](http://legislation.gov.uk).
9. Convention on Cybercrime (Budapest Convention) // Council of Europe.